

Хар куни ақалли битта кўшиқ эшитиш, яхши расм кўриш ва иложи бўлса, истаган бир ҳикматли сўзни ўқиб олиш даркор.

Иоганн Гёте



Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 1999 йил 6 февраль, шанба Баҳоси соғувда эркин нархда № 11 (7105)

Самарқанд вилояти ўрта - махсус касб-хунар таълими бошқармаси тасарруфидagi касб-хунар мактаби, миллий хунармандчилик лицей ва коллежларнинг талабалари кучи билан ҳар йили 22 миллион сўмлик турли хил махсусот ишлаб чиқарилмоқда. Бунда Пахтачи бизнес мактабини алоҳида тилга олса арзийди. Бу ўқув маскани жамоаси ўтган йили пахта ва бошқа кишлоқ ҳўжалик экинлари экиб, астойдил меҳнат қилганлиги туфайли 2 миллион сўмдан кўпроқ фойда оlishи эришди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Америка Кўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жозеф Преселни қабул қилди

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Кувейт давлатининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Фавзий Абдулазиз ал-Жосим, Замбия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Франсис Гершум Симамб ишонч ёрликларини топширишди.



Олмалиқ шаҳридаги 19 - ўрта мактабда 1 «Е» синф ўқувчиларининг аъъанавий саводхонлик байрами бўлиб ўтди. Даврага кўзларни кўнатиб, дилларни яйратиб, жажжи киниктойлар кириб келишди. Уларни ота-оналар, ўқитувчилар, мутахассислар ҳаяжон билан қутиб олишди. Болалар озод ва хур диёримизни мадҳ этувчи шеърлар ўқиди. Байрам сўнггида эса, йиғилганлар кичкинтойлар муаллимаси Р. Алиқулловага миннатдорчилик изхор қилдилар. Суратда: саводхонлик байрамидан лавҳа. Мухаммад АМИН олган сурат

Tajriba-sinov maydonchalarida

САБОҚЛАР

Тажриба-синов майдончаларида бугун обдон синовдан ўтказилган дастурларнинг тақдирини асосан экспериментатор муаллимларнинг сидқидил меҳнатига, илмий-услубий изланишларига, имкониятлардан тўлиқ фойдалана билишларига, умуман, маҳорат ва тажрибаларига боғлиқ. Улар синов синфларида эришилган умумий ўзлаштириш ва сифат ўзлаштириш даражаларини назорат синфлари кўрсаткичлари билан тақдослаб борилди, машгулотлардаги ҳар бир ютуқ ва камчиликлари аниқлашлари, таҳлил этишлари, янги дастур борасида юзага келадиган муаммоларни ўз вақтида республика комиссиясига етказишлари керак.

Икки турдаги дастурнинг бир-бирдан айрича фарқи шундаки, амалдаги дастурда ўқитувчи болаларга асосий билим берувчи сифатида гавдаланади. Янги дастур бўйича эса ўқувчилар муаллимдан мазсуларга оид йўналиш оладилар. Бунда уларнинг мустақил ўқиш-ўрганиши, изланиши, фикрлаши ва ижодкорлигини ўстириш каби сифатларга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, дарса ва дарсдан кейинги машгулотларда ўқувчилар материаллар алоҳида алоҳида тавсия қилинади. Ўқувчи билими даражасини назорат қилишнинг Рейтинг тизими ва унинг доимий назорат, оралиқ назорат, якуний назорат шакллари, иқтисодли болалар билан ишлаш йўллариининг пухта кўрсатиб ўтилиши ҳам майдонча муаллимларининг сифатли ишлашларида муҳим омил бўлапти. (Давоми 2-бетда)

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, эркин фуқаролик маънавиятининг асоси бўлмиш маърифат масаласи доимий эътиборимизда бўлиши шарт. Ислам Каримов

Ўзбекистон раҳбарининг ҳар бир нутқи ёки интервьюси доим баҳс-мунозарарга айланади. Нега? Бунинг бир неча сабаблари бор. Аввало унда бугунги куннинг, шунингдек, келажакнинг раҳнақига хизмат қиладиган долзарб мавзуда фикр юритилади. Қолаверса, муаммоларнинг ечими кўрсатилади. Юртбошимизнинг «Туркистон» газетаси мухбири саволларига ҳам берган жавобларида ҳам катор масалалар — етти йиллик истиклолимиз тарихидан чиқарилган хулоса ва сабоқлар, мафкуравий таҳдидлар, миллий мафкура, асл тарихимизни тиклаш, маърифат борасида залворли фикрлар баён қилинадики, уларнинг ҳар бири алоҳи-

маърифат масаласига боғлиқ тақалади. Бу масалага кенг жамоатчилик диққатини жалб этиш керак. Матбуот орқали, телевидение орқали одамларда маърифат парварлик гоёларини тарбиялаш, мактаб-маориф тармоқларига ҳомийлик, саҳоватпешалик, савобталаблик каби эзгу хусусиятларни кучайтириш зарур. Маориф ҳар қандай шариоитда ҳам эътиборга муҳтож бўлиб ашайди. Чунки унда келажак авлод тарбияланади. Эътиборсизлик ана шу тарбияни сусайтиради, унинг зарари эса бирдан кўзга ташланмайди. Ийлар ўтганча, бу тарбия иллатлари янги авлод дунёқарашиде, ҳаракатларида ўзидан нишона беради, энг ёмон жиҳати уни қайта тарбия-

ўқитувчиларнинг шароитини яхшилашга, иқтисодли ўқувчиларимизни кўлаб-қувватлашга кўмак берилса, бу баркамол авлод тарбиясига қўшилган ҳисса бўлади. Бу борада Президентимиз фуқаро, раҳбарини ҳар бир маърифатпарвар болалар ибратидан ибрат олиши лозимлигини ҳам алоҳида таъкидлаган: «Асримиз бошларида жадидларнинг ўз ҳисобидан мактаблар, кутубхоналар, қироятхоналар, театрлар, рўзномалар ташкил этганликларини, дарсликлар, қўлланмалар нашр қилганликларини, уларни Туркистон болаларига бепул тарқатганликларини бир эслайлик. Нахотки, бугун юрти-

Munosabat

МУАММОЛАР ЕЧИМИ МАЪРИФАТДА

да-алоҳида ўрганишга аризилидир. Муқаддас заманимизда туғилиб ўсган буюк кишиларнинг барчаси маърифат ҳақида қайғурганлар, барча муаммолар ечимини маърифатдан излаганлар. Тарихий манбаларга мурожаат қиладиган бўлсак, давлатимиз раҳбари таълим-тарбия ишларининг ислоҳига ўн йил аввалданок эътиборни қаратганликларининг гувоҳи бўлаемиз. Ана ўша эътиборларнинг натижаси «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва уни амалга ошириш механизмининг ишлаб чиқилганидир. Бугун бу катта дастур ҳаётга татбиқ этилаётганидан барча хабардор. «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига берилган жавобларда юртбошимиз таълим соҳасига бугун етишмаётган жиҳат—жамоатчилик, ҳомийларнинг эътибори, ёрдами талаб даражасида эмаслигини таъкидлайди.

лаш жуда қийин бўлади. Бу тарбиянинг барча кўринишларини ўз ичига олади. Масалан, жойларда мавжуд мактабларнинг айримлари талаб даражасида таъмирланмайди, илм масканининг атрофлари ҳавас қиларлик даражада ободонлаштирилмайди. Мактаб раҳбарлари маблаг йўқ, дейди. Ҳўжалик раҳбарига илтимос қилишга истиҳоло қилади. Ҳўжалик раҳбари эса «ишим кўп», дея мактабга йўламайди. «Бунинг оқибатида, фақат мактаб нураб, бино тезда ишдан чиқади», деган хулоса тор дунёқарашли инсонгагина хосдир. Фикримизча бунда мурғак қалбларнинг гўзалликка, ободликка бўлган муносабати, дунёқарашли ривожланмай қолади. «Ҳа, энди шундай бўларкан-да, ахир болаларимиз чордөвора, пўстақ устиде дарс ўтишган», деган тушкун хулосага келиб қолади. Мустақил ҳаётга қадам қўйса, у ҳам ўз навбатида гўзалликка эътиборсиз бўлади. Шу ва шу каби яна қатор иллатларни олиб келади оддий бинога эътиборсизлик. Бундан ташқари, таълимнинг ички мазмунига,

мизда ана шундай саҳоват бўлоқлари қуриб қолган бўлса! Ишончим комилки, бундай фидойи, саҳий инсонлар дёримизда кўпалаб топилди. Фақат уларга бош-қош бўлиш, интилишларини кўлаб-қувватлаш, маънавий жиҳатдан рағбатлантириш керак. Ахир тўкиб-сочиб қилинаётган тўртта тўй ўрнига битта мактаб курси бўлади-ки! Ахир шу мактабда бегона эмас, ўзимизнинг фарзандларимиз эртага сизу бизнинг ўрнимизга келадиган, ироғимизни ёқадиган, шу ватанга эгаллик қиладиган ўғил-қизларимиз ўқийди-ку!»

Дарҳақиқат, келажак авлодининг тарбияли, илмли, мустақил фикрли, дунёқарашли кенг бўлишига ҳар бир ота-она жавобгар экан, бунинг замиридаги маънони англашга, таълим учун саҳоватли инсон бўлишига интилиш ҳар биримизга хос одат тусига кириши бугунги кун талабидир.

Ҳалим САЙИД



• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида «Ҳўжалик иритувчи субъектлар мустикачилигини ва уларнинг фаолият олиб боришини таъминлаш» мавзуида навбатдаги семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

• Тожикистонда 100 миллион тожик рубли ҳажмидаги векселларнинг олтинчи кимошди савдоси ўтказилди.

• Грузия пойтахтида БМТнинг Грузиядаги миссияси ходимаси М. Виворскини ўлдирганликда айбланаётган 21 ёшли Зураб Брегадзе устидан суд жараёни бошланди.

Reyting tizimi

МАСЪУЛИЯТ ХИССИ

Газетамизнинг ўтган сониде умумтаълим мактабларида бошлангич синф ўқувчилари билим даражаларини назорат қилишнинг рейтинг тизимига ўтирилиши тўғрисида хабар берилганди.

Кунни кеча Халқ таълими вазирлигида ушбу масала юзасидан илмий гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жорий этиладиган мазкур ингиликнинг ўта масъулияти ҳақида сўз борди. Пойдевори мустақкам қўйилган меҳнатдан кўнгил тўқ бўлади. Бошлангич таълим инсоннинг илми бўлишида пойдевор ҳисобланар экан, бу ишда асло шовша-шошарликка, юзакиликка йўл қўйиб бўлмайди. Масалага шу нуқтан назардан ёндашилми фаолият. Бошланган Халқ таълими вазирлиги жорий этилаётган рейтинг тизимини ишлаб чиқувчи билимдон, тажрибали муаллимлар гуруҳини тузишди. Доно, билимдон, тажрибали муаллимлар ким бўлиши мумкин? Албатта, халқ айниқса, бу ишга масъул ўқитувчи халқи. Азия музаббийлар агар сизлар бошлангич синфларда рейтинг тизимини жорий этиш бўйича амалий тақлифлар, ортирилган тажрибаларга эга бўлсангизлар газетамиз орқали ишчи гуруҳ билан боғланишингиз мумкин.

Рустам БОЙМАТОВ

Xabar

ТИНГЛОВЧИЛАРГА ҲАВОЛА ЭТИЛДИ

Қадрлар — жамиятининг асосий таяничи. Уларни қайта тайёрлаш эса давр талаби. Ютуқлардан хабардор бўлиш, тадқиқотчилар томонидан ўтказилган тажриба натижаларига билан танишиш қадрлар салоҳиятини оширади.

ТошДУ ҳошидаги Олий педагогика институтинида тақрирлар билан танишди ҳақ. Асқабда, шунга қаратилади. Маърузаларда маънавият, маърифат, адабиёт, санъат, тарих, биология мазсулар қамраб олинди. Бундан шундай хулоса келиб чиқади: маънавий таълимсиз олаги сизилиш йўқ.

ОПИ директори, проф. Ш. Шарофов, ЎзРФА ўсиқлик генетикаси институти билим мудири, академик Ж. Мусоев, Тарих институти директори, фан доктори, профессор И. Исҳоқов, физика техника институти лаборатория мудири, академик Т. Ўйдишбоев ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири А. Мелибаевлар тингловчилардан тўшдан саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

Мухбиримиз

Алишер НАВОЙ

ҲАЗАЛ

Ўтинг ишрат аҳлики, биз зорларбиз, Туман минг балага гирифторларбиз. Кўнгулини қилиб юз яра ишқ ўқи, Тараҳҳум қилганим, дилафторларбиз. Тиларбиз шифо бир Масъоқ нафасдин, Ки бу кўҳна дайр ичра беморларбиз. Ёрутқой дебон кўзини бир сазд қавқаб,

Хар оқшом тонг отқуча бедорларбиз. Сабукруҳ соқий, фано жоми тутқия, Ки ўзлук юқидин гаровборларбиз. Муяссар эса дўстнинг васли бир дам, Бериб икки олаи, харидорларбиз. Навоий каби ичгади ишқ жомин, Харобот қўйида хуморларбиз.

Алишер Навоий шеърини — гавҳар. Уларнинг ҳар бир жумласи, ҳар бир сатрининг минг турфа жилоси бор. Булар маънолар жилвасидир. Ушбу ғазал ҳам шулар сирасидан. Унинг таҳлили билан 3-саҳифада танишасиз.

ДОСКАГА ЧИКИНГ, ЖўРАЕВ!

— Қани, ким чиқади доскага? Сен, сен, сен... яхши. Сен нега кўл кўтармадинг? Тайёр эмасмисан? Нега? Кеча дарсни тушунган эдингми? Доскага чиққан бйрон, зийрак ўқувчининг жавобидан кўнгли тоғ бўлади унинг. Бу тоғдек лаҳзалар юксалтиради, доғлик лаҳзалар чўқтиради устозини. Бас, етар, кирқ йил парта оралаганингиз, етар кирқ йил бўр ушлаганингиз. Етар кирқ йил кўнглингизга юксанган тоғлар, етар кирқ йил кўнглингизни қоплаган доғлар! Бу гал доскага ўзингиз чиқинг, устоз. Ҳаёт отлиг муаллимнинг сўроқларига жавоб беринг. Кирқ йил ўтказиб яна бир марта ўқувчи бўлинг.

— Доскага чиқинг, Жўраев. Жавоб беришга тайёрмисиз? — Тайёрман.

— Насабингиз, касбингиз, увонингиз? — Бобоқул Жўраевман, кирқ йилдан буён ўқитувчиман. Физика - математика фанлари номзоди, СамДУ физика факультети электроника кафедрасининг доцентиман.

— Нега айнан шу касбин, шу соҳани танладингиз? — Табиат шайдосиман. Олам гўзалликлари сирини ўргангим, ўзгаларга ҳам ўргатгим келди.

ҚОВУНДАН АСАЛ

Тошкент Ирригация муҳандислари ва кишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш институтининг илмий ходимлари Бахтиёр Шоймардонов ва Яндур Раҳмонзода қовундан асал олиш йўлини топишди. Олимлар тавсия этган қовунни чиқитсиз қайта ишловчи янги технология ихчам ускуналар асосида ишлайди ва пишқичликда далага, шунингдек, мўъжаз консервланган корхоналарига ҳам ўрнатиш учун гоат қулайдир.

АЁЛЛАР ЭРКАКЛАРДАН АҚЛЛИ

АҚШнинг Майами Бич шаҳрида ўтказилган жаҳон нейротимбиде марказининг халқаро анжуманида шу фикр илгари сурилди. Канаданинг Макмастер илмий тадқиқотлар марказида ўтказилган тажрибалар бу фикрни тасдиқлади. Маълум бўлишича, аёллар миясининг инсон ақлий фаоллигини белгилайдиган қисмидаги ҳўжайралар эркакларникидан 11 ғоуж кўп экан. Ўқувчи қизларнинг ўғил болаларга қараганда дарсининг яхши ўзлаштиришига сабаб ҳам балки шудир.



Тошкент шаҳридаги 28-мактабда Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ташкил қилинган. Бу ерда айниқса, мактабнинг тарих ўқитувчиси Нафиса Аҳмадждонова машгулотлар олиб борганда «тарих тилга қиради». Суратда: Н. Аҳмадждонова 6-синф ўқувчилари билан тарих дарсида

ТАЖРИБАДАГИ ҚИРГОВУЛЛАР

Буюк Британия мудофаса вазирлиги олимланиннг қирговул қанотида химия камзули тайёрлаш ҳақидаги фикрларини ўрганиб чиқмоқда. Маълум бўлишича, қирговул қанотининг икки томони қаттиқ қератиндан бўлиб, ўқ зарбини юмшатиш хусусиятига эга экан. Агар олиб бориладиган тажрибалар яхши самара берса, қирговулларни кўпайтириш учун махсус лойиҳа ишлаб чиқиши мумкин.

ТЕПАКАЛЛИК КУТИЛМОҚДА

Венесуэлалик шифокорлар Леонардо Гарсия ва Виктор де Кордилло келгуси юз йилликнинг биринчи ярмидан бошлаб бутун дунёдаги эркакларнинг сочи тўқила бошлайди, деган тахминни илгари сурмоқдалар. Уларнинг тақидлашларича, бу жараён ўсмирлик ёшидан бошланади ва буни ҳеч қандай дори-дармон билан тўхтаб бўлмайди.

(Давоми 2-бетда)

XABARLARI

IBRATLI TADBIRLAR

Namangan viloyati xalq ta'limi boshqarmasi qoshida bundan to'rt yil muqaddam «Yosh o'lkashunoslar» studiyasi tashkil etilgandi. 1996 - 1997 o'quv yilida studiya tashrifi viloyatdan tashqari Qirg'iziston respublikasi xalq ta'limi tizimida ham qizg'in kutib olindi. Chunonchi, studiya ishtirokchilari O'sh viloyatining O'sh shahri, Qorasuv, O'zgan, Navqat, Aravon tumanlari, Jalolobod viloyatining Jalolobod shaharlarida bo'lib yosh tomoshabinlarga xizmat ko'rsatdilar. Bu tadbirlardan tushgan mablag'lar ma'naviyat ishlarini rivojlantirishga sarflanayapti. **B.QO'SHMONOV**

BOSHLANG'ICH TA'LIMGA E'TIBOR

Boshlang'ich ta'lim barcha bilim va ko'nikmalarning tayanch toshi hisoblanadi. Qarshi shahar xalq ta'limi bo'limi rahbariyati milliy dastur talablaridan kelib chiqqan holda boshlang'ich ta'limning samaradorligiga alohida e'tibor qaratayotir. Joriy o'quv yilida o'ndan ortiq maktab «Boshlang'ich ta'limning tayanch tajriba markazi»ga aylantirildi. Tuman xalq ta'limi bo'limi uslubiyot xonasining tashabbusi bilan ushbu ilm maskanlarida qator seminar kengashlar, o'quv va tajriba darslari, ko'rik - tanlovlar tashkil etilyapti. Ana shunday tadbirlardan biri 19 - o'rta maktabda bo'lib o'tdi. Unda barcha maktablar boshlang'ich sinf muallimlari va maktab direktorlarining shu soha bo'yicha o'rinbosarlari ishtirok etdilar.

A.OBIDDINOV

KICKINTOYLAR OLIMPIADASI

Bir necha yildirki Termiz shahridagi 13 - maktabda «Kichkintoylar olimpiadasi» o'tkazish odat tusiga kirgan. Unga boshlang'ich 2-3-4 sinf o'quvchilari jalb etiladi. Va bular orasida fanlardan iqtidorli o'quvchilarni aniqlanadi. Bir necha yildan beri o'tkazilayotgan kichkintoylar olimpiadasi tajribasidan shu narsa ma'lum bo'layaptiki, bu tadbir o'quvchilarni fanga bo'lgan qiziqishini o'stiradi, biror bir kasb tanlashiga tayyorlashda yordam beradi. Yuqori sinfga borguncha test savollari, «Olimpiada» tushunchasini, uning mohiyatini to'la anglab etadi.

B.KARIMOVA

Yurgan daryo

SAFARDAN MAQSAD — MUQOYSA

ёхуд Туркияда тест тизими

«Юрган дарё, ўтирган бўйра» деган халқона нақл бор. Катта ҳикмат яширин бунда. Узгалар ишини кузатиш ва ўзиники билан таққослаб, бир тўхтама келмоқликнинг аҳамияти кундек равшан. Зеро, солиштирилганда ютук ёки камчиликлар кўзга аққол ташланади. Яқинда уч кишидан иборат Давлат тест маркази делегацияси Туркиянинг талаба танлаш ва жойлаштириш маркази директори Фетхи Токернинг таклифига биноан Туркияда бўлиб қайтишди. Мухбиримиз ушбу делегация аъзоси, Давлат тест маркази бўлим бошлиғи, физика-математика фанлари номзоди, доцент Алишер Ишматовнинг таассуротлари билан қизиқди. — Дастлаб, мақсад нимадан иборат эди, деган савол кўнданг бўлиши табиий. Ниятимиз бу соҳадаги иш таж-

ДОСКАГА ЧИҚИҢГ, ЖҮРАЕВ!

(Боши 1-бетда)

— Изланишлар, интилишлар, курашлар самараси нима бўлди? — Йулланма билан Ленинград Университетига юборишди. Профессор М.Ф.Вукс раҳбарлигида номзодлик ишини химоя қилдим. Еру юз билан Самарқандга кайтдим. Шундан буён ассистентликдан квант электроникаси кафедраси доцентигача бўлган йўллардан ўтдим. Узим ҳақимда гапириш сал нокулай...

— Саволларга жавоб беряпсиз, холос. Сизни яхши билишдаи одамлар, талабалар, ҳамкасбларингиз... Устоз, ҳамкасбларингиз — профессор ўқитувчилар — М.Мўминов, Х.Ҳайдаров, Т.Ҳоликов, А.Юсупов сизни қадрлашади. Ходимларингиз ўз этиқодидан чекинмайдиган, ҳалол, жонкуяр ўқитувчи сифатида билишади. Фан фидойиларни яхши кўради. Ўз фикрларингизни химоя қилишга вақт топдингизми? — Москва, Ленинград, Душанбе, Киев, Тошкент, Қозон, Томск, Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтган илмий-услубий анжуманларда чиқишлар қилдим. Мағбуротда икки юздан ортик хабарлар, мақолалар, очерклар билан қатнашдим. 1992 йилда академик А.Отажуаев билан ҳамкорликда «Молекуляр оптика»дан дарслик яратдик. 1996 йилда «Ибн Сино ижодида физика ва техника муаммолари» номли китобим босмадан чиқди.

— Абу Али ибн Сино таъбабат оламининг шоҳи эмасми? — У киши нихоятда серкира олим. Физика сўзи Фарба бизнинг ватандошларимиз асарлари орқали кириб борган. Ибн Сино динамика конуналарини Ньютондан етти аср илгари билган. Физика сўзи Аристотель асарларидан Ибн Сино асарларига, ундан кейин Европага ва Россияга кўчган. Бу мамлакатлардан яна Марказий Осиёга қайтган. Мен шунга далиллаб бердим.

— Домла, олтимиш ёш инсон умрининг чегараси эмас, айни ҳикматларга, кучга тўлган фасл. Яна аудиторларда қизқарлик дарслар, доскага чиқишлар давом этса керак? — Кунгил хотиржамлики тусаб коларкан. Яна табиат кўйини қайтгим келади. Пастдаргоннинг Сарибозари бўйида деҳқончилик қилади-ган далам бор. Мевали да-рахлар экканман, ток экканман. Хар йили сабаовот етишти-раман. Уша сулим гўшада, арик бўйида ўз қўлим билан нозу неъматлар етиштирсам. Бола чақаларимга, дўсту қад-рдонларимга боғимдан мева узиб берсам. Илмий изланиш-ларимни давом эттирсам дейман...

— Домла, ахлоқ-одоб мавзусидаги жуда кўп мақолаларингиз, кўнгил амри билан ёзилган шеър-ларингизни ўқиганмиз. Балки энди тарбия дарсла-

MA'RIFAT

???

Хурматли муҳарририят! Мактабимиз замонавий типда қурилган. Лекин синфларда ўқувчилар оз. Бу ўқув йилида I-синфда 14 нафар, II-синфда 12, III-IV синфларда эса 18 нафардан ўқувчи ўқишмоқда. Шу сабабли I-III синфлар бир синфда, III-IV-синфлар қўшилиб, битта синфда ўқитилиши туман молия бўлими томонидан талаб қилинмоқда. Буни қандай тушуниш мумкин? Андижон вилояти, Улугнор туманидаги 18-ўрта мактаб ўқитувчилари

maslahat@xop.nasi

!!!

Собиқ маориф вазирлигининг 1984 йил 2 ноябрь 122-сонли «1-4 синфларда камсонли ўқувчилар штат жадвали ва иш ҳақининг тўланиши тўғрисида»-ги буйруғига асосан, бошланғич синфларда ўқувчилар сони кам бўлса, қўшилиб ўқитилиши мумкин. Уларга (педагогларга) тўланадиган иш ҳақи қўшилган синфларнинг юқори соати ҳажмида белгиланади. Масалан: 1-синф ҳафталик соати — 21 соат; 3-синф ҳафталик соати — 26 соат. Ўқитувчига иш ҳақи 26 соат ҳисобидан тўланади. Агар қўшилган синфларда ўқувчилар сони 15 нафардан кам бўлса, синф раҳбарлиги ва дафтар тешириш учун тўланадиган қўшимча ҳақнинг 50 фоизи тўланади.

???

Ўрта махсус билим юртини тамомлаган, 1-тоифали, 8-10 йиллик иш стажига эга мутахассис маънавий ва тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаши мумкинми? И.Носиров, Андижон вилояти, Булокбоши тумани

!!!

Бундай вазифага олий маълумотли, кам деганда 5 йиллик иш фаолиятига эга бўлган тажрибали педагог тайинланади.

Газетхонларимиз томонидан тушган юқоридоги саволларга жавобларни оdatдагидек, Ўзбекистон республикаси ХТВнинг мутасадди бошқарма ходимлари жавоб қилиришиди.

Андижон шаҳрида 15 та ўрта махсус ўқув юртлири орасида «Сиз қонунни биласизми?» номили курик-танлов ўтказилган эди. Унда Ёнгил саноат политехникуми талабалари биринчиликни эгаллаб, қонунни билиш қандай бўлишини бошқаларга ибратли даражада кўрсатиб қўйишди. Шундан кейин бир вақтинч ҳақимда 50 та ўрта мактаб ҳам етти гуруҳга бўлиниб, ўзаро баҳслашди. Хар бир гуруҳдан голиб топилган биттадан ўқувчилар жамоаси шаҳар миқёсидаги финал танлов босқичида қатнашди. Бунда 5 та шарт бўйича савол-жавоб, баҳс-мунозара, сахна намойишлари, бадий чиқишлар бўлиди. Очигини айтганда, андижонлик ўқувчилар ҳуқуқий билимлар борасида ҳам анчагина пешқадам эканлар.

Шу кунги тadbирда қатнашган жамоаларнинг қонунчиликка бағишланган деворий газеталари чиқарилди. Кўргазмали қуроллар, плакатлар намойиш қилинди. Курик танловда 5-мактаб жамоаси биринчи, 30-мактаб жамоаси иккинчи, 27-ҳамда 36-мактаблар учинчи ўринни эгаллаб, «Камолот» жамғармаси Андижон шаҳар бўлими, халқ таълими бўлимининг эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар. 5-мактаб жамоаси вилоят босқичида қатнашиш учун таънинг «Прова выде» номли гуруҳлари ўзаро куч синашди. Танловда республикамиз ёшлари ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, қонун устуворлигига эришиш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда ёшларнинг фаолиятига оид савол-жавоблар, Ватан, оила, болалик ва келажак ҳақидаги сахна кўринишлари намойиш этилди. Танловда «Адолат» гуруҳи голиблик курсисини эгаллади. Иккинчи ўрин «Хумо» гуруҳига, учинчи ўрин «Иқбол» ҳамда «Прова выде» гуруҳларига берилди.

СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?

Йулланма олди. **Ўзв ХАЙДАРОВ,** 15 мухбиримиз

Сирдарё вилояти Ширин шаҳри марказий маданият уйи ташаббуси билан лицей ва ўрта мактаблар ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» номили курик-танлов ўтказилди. Унда шаҳардаги 2-мактабнинг «Хумо», 1-мактабнинг «Иқбол» гуруҳи ҳамда Жонибеков номидаги мак-

Tanlov

«Таълим тўғрисида»-ги Қонун ва ислохотларни амалга оширишда ҳуқуқ-тарғибот хизматчилари томонидан ўтказилдиган тарбиявий соатлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўқувчилар ўрта-сида ҳуқуқий билимини янада яхшилади. Бу борада Республика миқёсидаги мактабларда ўтказилган «Сиз қонунни биласизми?» курик-танлови алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу борада ҳуқуқ тарғибот органлари билан ҳамкорликни яхшилашга алоҳида эътибор бериш, ҳозирги кунимизнинг асосий вазифасидир. Тошкент шаҳар Чилонзор туманида юқоридоги номида курик-танлов бўлиб ўтди. Унда 114, 162 - 200 - мактаб ўқувчилари ўзаро куч синашди. 162-ўрта мактабнинг «Адолат» командаси «Комус» ва «Камолот» командаларини ортда қолдириб, 191 балл билан Тошкент шаҳар миқёсида бўладиган курик-танловга қатнашиш бахтига мунасар бўлишди.

Дилбар ТОЛИПОВА

рибаларини айирбошлаш ва ҳамкорликни янада кучайтиришдан иборатдир. Барчамизга маълумки, Республика Президентининг фармонида мувофиқ илк мартаба 1992 йил айрим олий ўқув юртлирида тажриба сифатида 1993 йилдан бошлаб, барча олий ўқув юртлирида, 1994 йилдан эса ўрта махсус ўқув юртлирида ҳам ўқишга қабул қилиш тест усулида амалга оширила бошланди. Бу билан мен нима демоқчиман? Биз тест технологиясини қўллашда ҳали у қадар кўп йиллик тажрибага эга эмасмиз. Лекин шу қисқа муддат ичида анча ижобий натижалар қўлга киритилди. Унинг афзаллик томонларига тин берган ҳолда, бу технологияни янада такомиллаштиришимиз, ўзга давлатлардан ўрганишимиз керак. Абитуриентнинг билим даражасини аниқлаш жараёни компьютер зиммасига юклатилгани бизнинг катта ютуғимиздир. Ўзбекистондаги барча олий ва махсус ўқув юртлирига талабалар қабул қилиш учун 60 мингта саволлар жамғармасига ағамиз. Улардан компьютер ўзи вариантлар тузади. Йўналиш ва мутахассисликлар бўйича тузилган кўп вариантли саволлар жамламасига ҳос умумийлик шундан иборатки, юқори даражадаги ҳолислик ва қонфиденциаллик (ҳеч кимнинг билишига мутлақо йўл қўймаслик) ағамиз. Иккинчи бир ютуғимиз шундаки, болаларнинг мактабда тўлиқ ололмаган билими «Ахборотнома»лар орқали тўлдирилади. Мукаммал тузилган саволлар нафақат аби-туриентни, балки ўқитувчиларни ҳам изланишга ундайди, уларнинг билимини чарқлайди. Тест технологиясининг дастлабки шаклланиш йилларида Анкарадаги тест маркази фойдаланиб келатган иш тажрибасига таянган эдик. Туркияга сафар уюштиришдан ниятимиз уларнинг тажрибаси билан ўзимизникини таққослаш эди. Биз ташрифнинг биринчи кунини талаба танлаш ва жойлаштириш маркази раҳбариятининг таркибий тузилиши, тест топшириқларини шакллантириш, моддий-техникавий жиҳозланиш билан танишдик. Марказ бир неча бинода жойлашган бўлиб, унда 300 дан ортик киши ишлайди. Замонавий компьютер техникаси, электрон ва оптик ускуналар билан жиҳозланган. Марказнинг асосий вазифаси Туркия мактабларининг битирувчилари, шунингдек, хоржий мамлакатлардан келган абитуриентларни мамлакат университетларига кириши учун тест синавларидан ўтказишдан иборат.

Бундан ташқари, тест маркази ҳўжалик ҳисоби асосида йил давомида магистратура ва докторантурага кирувчилар учун тест синавлари, танлов асосида ишга қабул қилиш каби жараёнларни ҳам амалга оширади. Университетларга кирувчилар учун тест ўтказиш, мuddатидан фарқли равишда, тўлов асосида бўлиб, хар бир абитуриент 20 АҚШ долларини тўлаши керак бўлади.

Делегациямиз сафарнинг сўнгги кунларида марказ таркибий бўлимлари ишини ўрганди. Таассуротларимиз бир олам. Уларни умумлаштиришимиз керак. Тест топшириқлари бўлими барча турдаги синавлар учун тест топшириқларини ишлаб чиқади. Бўлим бошлиғи Ойша Ернатнинг таъкидлашича, тест топшириқларнинг мураккаблик даражаси эксперт томонидан белгиланади. Бир вариант тузилиб, ундаги саволлар ва жавобларнинг хилма-хил комбинациялари, ўринларни алмаштиришлар орқали айна бир вариантнинг турлича кўринишлари ҳосил қилинади. Худди биздаги каби, тест топшириқлари тузиш учун ўқитувчи ва мутахассисликлар жамоатчилиги жалб қилинади. Бир қатор уни-верситетларда тестология кафедралари мавжуд. Синов сизматлари бўлими абитуриентларни рўйхатга олади, тест ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни расмийлаштиради. Бўлим бошлиғи Ниҳол Қалмиш бўлима фаолияти билан батафсил таништирдик. Абитуриент ўз ҳужжатларини тўлдирши ва рўйхатдан ўтказиш учун бутун Туркия ҳудуди бўйлаб жойлашган 148 та рўйхатга олиш шўбохаларидан бирига мурожаат қилади. Шу тариқа абитуриентлар ҳақидаги ахборот ва маълумотлар йиғилади. Ҳужжатлар ўрганиб чиқилгандан сўнг абитуриентга тест ўтказиш жойи ва мuddати кўрсатилган таклиф варақаси юборилади.

Хулқар ТҮЙМАНОВА ёзиб олди

САВОҚЛАР

(Боши 1-бетда)

Шунага қарамасдан, баъзи бир муаммолар ҳам юзага чиқиб қоляпти. Масалан, кимё фанлари тажриба-синав майдончаси қилиб Фарғона вилояти Қува туманидаги 30-ўрта мактаб белгиланган эди. Бунда қувалик экспериментатор муаллим, педагогика фанлари номзоди Жалолиддин Мамажоновнинг ҳам болалар билан жуда кўп ишлашга, қўшимча дарслар ўтишига, тўғарақ машғулотларини ташкил этишига тўғри келаяпти. Чунки янги дастурга асосан болалар энди химия курсини назорат синфларидагидек 8-синфдан эмас, 7-синфдан бошлаб, 9-синфда тугатишади. Шу боис улар мавзуларни ўзлаштиришда бир оз қийналишлари табиий. Аслида кимё фанининг мазмуни имкони борида ўғил-қизлар атрофини ўраб турган муҳитдаги ҳаёт, ишлаб чиқариш ва ўқувчиларнинг турмуш тажрибаси билан боғлаб ўтилиши лозим. Яқинда ушбу илм масканида тажриба-синав майдончаларининг ярим йиллик якунига бағишланган амалий кенгашда ана шу каби масалалар ҳақида сўз юритилди. Унда синов гуруҳи раҳбари, педагогика фанлари доктори Ҳожиқул Омонов, РТМнинг кимё фани бўлими етакчи методисти Каримахон Турдиева, ЎзПФТИ умумий ўрта таълим стандарти ва ўқув дастурларини синаш Ахборот маркази бошлиғи Акбар Баҳромов, Фарғона вилояти ҳоқимлиги етакчи мутахассиси Юнусали Сафитдинов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Турсунали Қурбонов, дастур муаллифлари, ФДУ умумий кимё ва кимё ўқитиш методикаси кафедраси мудири, профессор Сотволди Тешабоев, кимё фанлари номзоди Мирқозим Нишонов, вилоят педагог ходимлари малакасини ошириш институтининг ректори Турдиали Умнатқулов ҳамда республикамиз вилоят ва шаҳарларида тажриба-синав майдончаларида иш олиб бораётган ўқитувчилар қатнашиб, ўз истак, таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Амалий кенгаш сўнгида экспериментатор муаллим Жалолиддин Мамажонов биринчи ярим йилликда амалга оширилмай қолган айрим ишларни III-IV чорак мобайнида тугатишга ваъда берди.


Аваз ХАЙДАРОВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими қошидаги «Уқун» клуби мана бир неча йиллардан буён муваффақиятли иш олиб бормоқда. Клубда дарсдан бўш вақтларда ўқувчи қизлар учун тикувчилик тўғараги ташкил этилган. Унда ўқувчи ёшлар тиквиш-бичиш сирларини ўрганишмоқда.

Суратларда:

1. «Уқун» клубининг тикувчилик ва тўқувчилик бўйича машғулот раҳбарлари С. Шокирова ва Г. Абдукаримовалар ўқувчиларга тиквиш ва тўқвиш сирларини ўргатмоқда.

2. Клуб иштирокчилари (чапдан ўнгга) «Уқун» клуби ташилотчи ўқитувчиси Л. Бобожонова, шаҳар ХТББ назоратчиси Л. Васильева, катта ўқитувчи Ш. Усмонова ва услубчи М. Одиловалар ўқувчилар тайёрлаган буюмларни кўздан кечиришмоқда.



ШУНДАЙ ЎҚИТУВЧИЛАРИМИЗ БОР ЭКАН

Бугунги кунда мактаблар, айниқса қишлоқ мактаблари ҳақида гап кетса кўпчилик куйинаяди. Биров «Муаллимлар мактабини ташлаб кетишпти. Бу кетишда мактабларда малакали мутахассислар етишмай қолади» деса, бошқаси «Ўқитувчилар фақат маош учун ишлашди» дейишгача боради.

Бу гапларда қанчалик жон бор? Мактабдан қимлар кетишпти? Қимлар қоляпти? Мактабга келаятган қимлар?

Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги Чархйи номидаги 33-ўрта мактабда бўлсангиз, гарчи битта ўқув даргоҳи мисолида бўлса ҳам тасаввурингизда бугунги оддий қишлоқ мактабининг манзарасини ҳосил қилиш ва бу саволларга жавоб топиш мумкин эди, назаримда. Тўғри, бу ерда ҳам 10-15 йил аввал таълим берган ўқитувчиларнинг ўқувчилиги савдо-сотикча, бошқа турли «ёғли» жойларга «уриб кетишган». Педагогик кадрлар анча «ёшариб»ди.

Бу ўқиш — ўқитишнинг сифатига бутунлай салбий таъсир кўрсатди дегани эмас, албатта. Аксинча, мазкур мактабдаги ёш муаллимларнинг ўз ишларига ижодий ёндашиб ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги сунъий тўсиқни олиб ташлашга интилишлари қувонарлидир.

Айниқса, мактабининг география фани ўқитувчиси Гулнорахон Толипова ҳақида, унинг дарс ўтиш услуби ҳақида фақат илқ гапларни эшитдик. Шундай экан, ўз навбатида биз ҳам бир мунча илқ гаплар айтгимиз келди.

Гулнорахон опа қўл урган ишини қўйилатадиган инсон. Шунинг учун кўпчиликнинг хурматиға сазовор.

Г. Толипова дарсларини шундай ўқитиб, ўқувчилар хар доим дарс вақтининг тез тугаб қолганидан «шиқоят» қилиб юради. Муаллима мазмуни фақат дарслик китоби билан чегараланган қолмай, географияга оид турли адабий-тар, газета ва журналлар, хатто интернет тармоғидан олинган энг сўнгги маълумотлар асосида қизқарли қилиб ёритиб беради. Турли минтақаларда, давлатларда, миллат ва элатларда мавжуд бўлган урф-одатлар, одоб-ахлоқ қоидалари ва қадриятлари ҳам муаллима дарсларидан ўрин олган. Ўқувчиларнинг билимини синаш, мустахкамлаш мақсадида қичқ-қичқ танловлар, мусобақа турли ташкил этиб туради. Натижада ўзлаштириши энг паст бўлган ўқувчи ҳам дарсдан қуруқ кетмайди.

Г. Толипова ҳақида гап очилса, хар бир ўқувчи оғзидан бол томиб мактаб кетишади. 11-синф ўқувчиларининг «География бизда ҳам ўтиса оёр бўларди-да, Гулнорахон опойимизнинг дарсларини соғиниб қолдик». «Қанинди, ҳамма ўқитувчиларимиз у кишидек бўлишса» деган гаплари эса фидойи ўқитувчининг қиёфасини гавдалантурувчи энг теран ифодалардир.

Шу топда шундайин ўқитувчиларга алоҳида имтиёз зарурлигини дея ўйланаб қолсан. Ахир, мактабларда иш стажини учунгина, маош учунгина ишлаб юрган ўқитувчилар кам эмас-да.

Тўғри, ўқитувчилар тоифаларга ажратилган ва уларга тоифасига қараб ҳақ тўланади. Бироқ уларни алоҳида рағбатлантириб бориш ва бу билан бошқаларни ҳам ўз ишига бошқароқ муносабатда бўлишга чорлаш керакмикин?

Рустам БОЙМАТОВ

Навоийхонлик

9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН

NAVOIYXONLIK

Ишқнинг сўнгсиз хислатлари ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмас керак. Бу газал ишқ оловиде куйётган, кўксига ишқ ханжари тигурган ошиқнинг дил сўзларидир. Шу ерда «ишқи ҳақиқий»нинг ўзига хос мезонлари борасида тўхтаб ўтмасак, газалнинг асл моҳиятига мушарраф бўлмаймиз.

байт иккинчи қисмга ва газал мақтаеси хулоса қисмига мансубдир. Газалнинг биринчи қисми Ишқнинг моҳияти тўғрисида. Ишқнинг моҳияти нима? Ишқнинг моҳияти — азият. Шу тақдирни ўзига қабул қилган кишигина ошиқ бўла олади.

Кўнгли — муқаддас қабла. Чунки кўнгли ёр жамолнинг жилвагоҳи. Шунинг учун ошиқларга тан озорида кўра кўнгли озори ёмонроқдир. Ишқ нелигидан беҳабар «ишрат аҳли» ўз хатти-ҳоли билан ошиқлар кўнглига озор бермоқда, бинобарин, кўнглидаги ёр суварти ҳам азият чекаётди. Шунинг учун ошиқлар «ўзи яра кўнглини яна ярамоқ не хожат» дея раҳм

қўнглида жўш уради. Демак, майхона ишқ майдони. Ошиқ шу майдонда ёрнинг барча ситамларини ўз бошидан кечиради. Майхона ошиқ тақдирининг уйи. Шоир «кўҳна дайр» дейди. Бу сўзларни тушуномқ учун Эркин Воҳидовнинг «Севги ҳам Одам атодин мерос инсон қониди», — мисрасини эсга олмоқ зарур. Ишқ майдони (дайр) жуда кўҳна: қадим илдиэларга эгадир. Биринчи

қат кўнгли бор. Улар атрофдаги барча нарсаларни кўнгли билан кўришади, кўнгли билан ҳис қилишади. Шунинг учун шоир «кўз» деганда «кўнгли»ни назарда тутди.

Газалнинг иккинчи қисми «талаб» деб аталади. Ишқ моҳиятини кўнглига сингдирган ошиқлар, энди бевосита ёр висолига талпинишади. Бу йўлдаги тўсиқларни олиб ташлашга интилишади. Бу қисм кўнглидаги мисралар билан бошланади.

Ишқнинг сўнгсиз хислатлари ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмас керак. Бу газал ишқ оловиде куйётган, кўксига ишқ ханжари тигурган ошиқнинг дил сўзларидир. Шу ерда «ишқи ҳақиқий»нинг ўзига хос мезонлари борасида тўхтаб ўтмасак, газалнинг асл моҳиятига мушарраф бўлмаймиз.

қат кўнгли бор. Улар атрофдаги барча нарсаларни кўнгли билан кўришади, кўнгли билан ҳис қилишади. Шунинг учун шоир «кўз» деганда «кўнгли»ни назарда тутди.

Газалнинг иккинчи қисми «талаб» деб аталади. Ишқ моҳиятини кўнглига сингдирган ошиқлар, энди бевосита ёр висолига талпинишади. Бу йўлдаги тўсиқларни олиб ташлашга интилишади.

ИШҚ МАЙИНИНГ ХУМОРИ

тилаётди. Ишқ моҳияти кейинги мисрада янада кенгрок очилади:

ошиқ-Одам атодан ишқ дарди инсонларга мерос бўлиб қолган. Бинобарин, ошиқлар азал тақдир беморларидир. Тақдир эса ёр (оллох) қулида.

нади. Сабукрўқ соқий, фано жоми тутқил, Ки ўзлук юкидин гаронборларбиз.

«Фано жоми», «ўзлук юки». Бу мисранинг моҳият калити шу сўзлар замирида. Ошиқнинг ягона максда ёр висоли, яъни ёр вужди билан қўшилиб кетиши.

«Пурҳикмат мисралар» муаммономаси. Азиз муштарийлар! Аввало, мутафаккир, ўзбек мумтоз шоири Мир Алишер Навоий қаламига мансуб куйидаги ҳикматларда келтирилган рақамларда ифодаланган сўзларни топиб оқичини ечинг.

Умумтаълим мактаблари адабиёт дастури бўйича атоқли ёзувчи Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг «Навоий» романидан берилган парчалар VIII синфда ўрганилади ва бунинг учун уч соат ажратилган ҳамда аниқ мақсадни амалга ошириш кўзда тутилган.

Романдан берилган ушбу материаллардан иккинчисини ҳамда учинчисини, яъни биринчи ҳамда ўттиз биринчи бобларни ўрганиш учун бир соат ажратиш ва уни қуйидаги тартибда ўтиш мақсадга мувофиқдир:

Инсоният бадий тафаккури ривожига улкан ҳисса қўшган Рудакий, Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Хофиз, Румий, Фузулий каби сўз санъаткорлари қаторидан буюк мутафаккир ва шоир Алишер Навоий ва унинг бебаҳо адабий илмий мероси ҳам муносиб ўрин эгаллайди.

Навоий ўзи ҳам шарқ адабиётининг буюк сиймоларига маънавий устоз бўлди. Мавлоно Фузулийнинг қуйидаги мисралари шундан далолат:



Фозилжон ОРИПОВ тузди

Асар, аввало, муаллим то...

Асар, аввало, муаллим то...

жавобан ўқувчилар Навоий улуг шоир бўлиш билан бирга ажойиб бастакор эканлигини мамнунят билан таъкидлайдилар.

Bir soatlik dars

- 1. Баҳор кўшининг тафти. 2. Танбурнинг илҳомбахш саздалари. 3. Шоирнинг ўйлари. 4. Дарवेशалининг келиши: а) муаллиф у ҳақда. б) Навоийнинг бу масалала муносабати ва укасига қилган насиҳатлари; в) Алишернинг вазир сифатидаги иш-режалари; г) Дарवेशалининг акасига орзу-ниятларининг рўёбга чиқиши учун кўмаклашишга тайёр эканлиги.

ОЙБЕКНИНГ «НАВОЙИ» РОМАНИДАН БЕРИЛГАН ПАРЧАЛАРНИ ЎРГАНИШ

нинг матн устиде мустақил ишлашларини ташкил этиш. Дарсинг жиҳозланиши: Ойбек расми. Адиб яратган асарлардан намуналар: «Қутлуг қон», «Навоий», «Кўёш қораймас» романларининг нусхалари. Уларга ишланган иллюстратив расмлар. «Ойбекнинг ҳаёти ва ижоди» кўргазмалари альбому.

«пастина курси устиде очик турган», «арабча қалин китобни варақлаб бошлаши»-гача бўлган ўринни ўз ичига олади. Асар биринчи боби-нинг ушбу парчасини ёки унинг маълум бир қисмининг ўқитувчи намунали тарзда ўқиб берганидан кейин, уни синфдаги ифодали ўқиш малакаси шакланган 2-3 ўқувчи ўқийди.

А. АБДУРАҲИМОВ, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди

Фарход Олимов мусикаси
Пўлат Мўмин шеъри

СУМАЛАК

Су-на - хак-жон-су-на - хак
Пи-вар ха-чон су - на-хак
Та-ом - вар-нинг и-чи-дан и - чи - дан и - чи - дан
О - ро-ми-хон су - на-хак
Хар бир бу-дан до - на - хак
Су-на-хак-нинг о-на - си
Ма - на - вар-ни пи - дар-рар До-зон до-зон су-на-хак
Су - на - хак-жон су - на-хак
Пи-вар ха-чон су-на-хак та-ом-варнинг и-чи-дан
и-чи - дан и - чи - дан о - ро - ми-хон су-на-хак
Та-ом - вар-нинг и-чи-дан и - чи-дан и - чи - дан
О - ро - ми-хон су - на-хак
До-зон до-зон су-на-хак Чор-вар нод-жон су-на-хак

Сумалакжон, сумалак,
Пешар қачон сумалак?
Таомларнинг ичиди
Оромжон сумалак,
Учоққа ўт қалашар,
Қозон қовлаш талашар.
Саҳйларнинг топгани
Элга эҳсон сумалак.

Хар бир бугдой дониси
Сумалакнинг ониси,
Момларим пиширар
Қозон-қозон сумалак.
Лакопларга сузилай
Қани олинг сузилмай.
Хар кам хонадонда
Чорлар меҳмон сумалак.

БИР СУЛТОН БОР...

Замон гилдираги айланар тинмай,
Ўтаверар ойлар, йиллар, давронлар.
Бири ном қолдириб, бири қолдирмай,
Ўтиб кетди шоҳлар, амир, султонлар.

Лекин бир султон бор, шеърлар султони
Хамон шеъриятга таратар наво.
Ундай султон йўқдир кезсанг жаҳонни,
Сиз хамон султонсиз Навоий бобо.

Яна минг йил олдга назар ташлаб кўр,
Эҳ-ҳе, бу замонлар ўзгарар, бироқ.
Шеърият қасрига таратади нур
Олти аср олдин у ёққан чирок

Жамшид ТОШКУЛОВ,
Алишер Навоий номидаги
Республика Нафис санъат лицейи ўқувчиси



ЁШЛИК

Сўнгсиз ўйлар, сўнгсиз ҳаёллар
Яна мени қамокқа олди.
Саҳарларда эсанг саболар,
Сени қайта ёдимга солди.

Узун армон, бир узун армон
Бунча қийнар кўксимни титиб.
Ишқ сихида юрагим бирён,
Қандоқ яшай сени унутиб.

УМР ТАШВИШИ

Кеча бола эдим шамолдек қувнок,
Натай умр бўлса тўхтамас қарвон.
Бугун улғайибман дилда минг фирок,
Мен нечун улғайиб кетдим, онажон.

Қишлоқ кўчасида тупроқ қангитиб,
Юрардим бошимда на гам, на хижрон.
Бугун ҳаёт мени чархпалак этар,
Мен нечун улғайиб кетдим, онажон.

Бугун улғайибман, она бўлибман,
Ортимда қолибди ёшлик - бир довон.
Қирк тўртта баҳорга алвидо дебман,
Мен нечун улғайиб кетдим, онажон.

Сайёра БОКИЕВА,
Китоб туманидаги 65 - мактаб
ўқитувчиси

Ko'ngil bitiklari



ОНА ЖОН

Онажон сиз борсиз, гўзалдир ҳаёт,
Онажон сиз борсиз, шунинг ўзи бахт.
Онажон кўнглимга, кўзимга менинг
Сиз нурсиз, Сиз гулсиз, Сизсиз саодат.

Бу ҳаёт меники, даврон меники,
Унинг хур бағрида ўйнаб қулам.
Иштиқоқ нуридан баҳраманд бўлиб,
Шу юрт учун баки қолдуз бўлман.

Онажон ҳаётим мазмуни Сизсиз,
Қувончим, севинчим, изтиробимсиз.
Шайнингизга дoston битмоқ ниятим
Дилда мангу бўлган порлоқ нурумсиз.

Моҳидил УЗОҚОВА,
Тошкент шаҳар Ҳамза
туманидаги 198 - мактаб
лицейининг битирувчи ўқувчиси

30 ЁШЛИ БОҒЧА

«Хотира уйғонса
гўзалдир» дейлади.
Ўтаётган ҳар бир дақиқа
кўнглимнинг хотира аталмиш
зарварларига муҳланади.

Бугун ўзининг юбилей тўйини нишонлаган Мирзо Улуғбек туманидаги 410-болалар боғчасида ҳам эслашга арзирлик хотиралар бисёр экан.

1969 йилда фойдаланишга топширилган бу боғчада шу кунга қадар

қатор ибратли ишлар қилинди.

Бу даргоҳ махсус ташкил этилган бўлиб, унда билимдон ва зукко логопедлар болаларга таълим беришади. Боғчада 4 та рус, 2 та ўзбек гуруҳи мавжуд.

Тантананада боғча ходимлари ўзларини яхши-ёмон кунларини эслашди, қарилек гаптини сураётган собиқ ходимларига совғалар улаштирди. Тантанали кечага сеvimли раққоса, уч фарзанди ҳам шу боғчада тарбияланган

Рушана Султонова, «Баҳор» ансамбли солисти Маъмуржон Мирдадаев фойз киритди.

Ширин-шакар болажонлар бу азиз маскани мадҳ этиб, шеърлар айтишди.

Боғча мудираси Ф. Газизова йиғилганларни қутлаб, уларни бир пиёла чойга таклиф қилди.

Ҳа, унутилмас дақиқаларини нишонлаш ҳамisha мароқли.

Ш. МАДРАХИМОВА

«ЎЗБЕКТЕЛЕФИЛЬМ»НИНГ БОЛАЛАРГА ТУҲФАСИ

Кунни кеча «Ўзбектеелефильм» студиясида мазкур студия томонидан яратилган «Балад тоғлар остида» 4 қисмдан иборат болалар саргузашт - бадий фильмининг тақдирот маросими бўлиб ўтди. Унда фильмининг ижодкорлари - сахналаштирувчи режиссёрлар В. Аҳмедов, М. Мирзамолов, бастанор В. Барамжон, муҳаррир И. Тошўлатов ва бошқалар иштирок этди. Мазкур фильм муаллифи таниқли болалар шоири Д. Кўчимов. Бош қаҳрамонлар: Тўракул - пойтахтимиздаги 131-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Жаҳонгир Кўчқоров, Раҳматилла - 22-ўрта мактабнинг 5-синф ўқувчиси Жамшид Абдуллаевлар фильмини суратга олиш жараёни ҳуусида таъриб беришди.

«Балад тоғлар остида» кўп қисмли саргузашт-бадий фильм табиатта меҳр, она заминга эҳтиром, тугилиб-ўсган юртга нисбатан муҳаббат ҳислари билан йўрилган. Фильм орқали гўзал юртимизнинг бетакрор табиати, тоғ болаларининг ўзинга хос жасурийлари, уларнинг илмга, тарихий ҳақиқатларни аниқлашга бўлган қизиқишлари ёрқин намоиш этилган.

Унда миллий қадриятларимизни улуғлаш, табиатни асраб-авайлаш орқали ёшларимиз онгида гурур тушунчасини шакллантириш бош мақсад қилиб олинган.

Н. АСЛОНОВ

ДАДИЛ ҚАДАМ

Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган шохмат бўйича халқаро турнирда қатнашган Ўзбекистон чемпиони Рина Мамедова Шинкониендан 8,5 очко ғўллаб, 1-уринни эгаллади ва юртимизга гроссмейстер даражасининг биринчи баллини олиб қайтди.

Зўрлар

ФИФА Франциядаки Зинеддин Зиданни дунё бўйича ўтган йилнинг энг яхши футболчиси деб эълон қилди. Иккинчи ўринни бразилиялик «тилла» бола Роналдо эгаллаган бўлса, учинчи ўрин «айёр» хорват Давор Шукерга насиб этди.

РУСЛАРГА АТЛАНГАН ТУРНИР

Чехияда фигурали учин бўйича Европа чемпионати якуниланди. Буни қарангки мусобақанинг 4 та олтин медалининг барчаси Россиянинг гўзал, раққос йигит ва қизларига аталган экан.

ЭРТАНГИ КҮН ЧЕМПИОНЛАРИ

Тошкентдаги шохмат-шашка клубида ёшлар ўртасида шохмат бўйича шаҳар биринчилиги кизгин паллага кирди. Ғалабага иштиёқманд спортчилар маҳоратларига зўр беришяпти.

ХУДО ЁРЛАКАГАНЛАР

Бебаҳо музейларидан анча-мунча даромад олиб мазахуралик бўлиб қолган испанлар бу борада омашларидан ҳеч нолишмасе бўларкан. Биргина мамлакатнинг «Барселона» футбол клуби музейини кўриш учун ўтган бир йил ичида 927024 киши келиб-кептиди.

ma
y
d
o
n
c
h
a
s
i

Xullas... ОМАД КЕТИДАН ОМАД...

Дарвозага гол киритган уйинчи, хоҳ футболчи бўлсин, ишқибозлар ардоғида. Ахир голни ҳамма ҳужумчи ҳам кирита олмайдилар. Бунинг учун қобилият ва маҳорат талаб қилинади.

Канаданинг «Ванкувер Кэнакс» хоккей командаси уйинчиси Марк Мессеҳ ҳар доим олқишларга сазовор. Унинг урган голлари роппа-роса 600 тага етди.

«Юбилей» голини дарвозага киритган Марк Мессеҳнинг яқинлари - ота-ониси, укаси, синглиси - у ўйнаётган команда билан олти мамлакатга саёҳатга кетадиган бўлди.

Бунинг омад келтирган омад дейиш мумкин.

Бунинг мақсадга мувофиқлиги ахлоқий масалада жиҳдий шубҳалар келтириб чиқариши ҳам аниқ. Демак, бош аламширтиш операцияси ҳозирги медицина тажрибасига батамом сингишиб кетмайди.

Унда бу нимага керак? Сабаби бошқаларга маълум бўлмасе-да, ихтиро эгасига ойдек равшан...

ТАЛАБАЛАР СИЁСАТДАН БЕЗГАНИМ?
Бундай савол бериш мантиқан унчалик тўғри эмас. Чунки бугунги талабадан эртага сиёсатчилар, давлат раҳбарлари, арбоблари чиқиши керак.

Бой мамлакатларнинг талабалари тантқиқроқ бўлади шекилли-да... Кувайт университети талабаларидан сўров ўтказилганда, қониқарли жавоб олиш қийин бўлди. Улардан ҳар учта-сидан бири АКШ давлат котиби Мадлен Олбрайтни таниди, аксарияти эса уни кино юлдузи бўлса керак, деб тахмин қилишди. Айримлари тап тортмай Мадонна дейишди.

БМТ бош котиби Кофе Аннанинг сурати кўрсатилганда, кувайтлик талабаларнинг ҳар бештасидан биттаси «таниб», африкалик футболчи эканини айтишди.

Аммо шуниси ҳам борки, ёш йигит-қизлар араб кўшиқчиларининг исм-фамилия ва афт-ангорларини тўғри топишди.

Хулоса: ёшлар сиёсатдан кўра санъатга яқинроқ...

ana shunaqa gaplar...
Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ректорати, қасаба уюшма қўмитаси ва журналистика факултети жамоаси шу факултет «услубий ва тахрир» кафедрасининг катта ўқитувчиси Наима Солиҳовага отаси Абдуғани СОЛИҲОВ вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

SOGLOM AVLOD UCHUN 1999

Яқинда ушбу журнал муассислигида «Мактабгача таълим» номи яна бир журнал чоп этила бошланди. Бугунги кунда фарзандларимизнинг билимдон, теран фикрли қилиб вояга етказиш энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Журналда болаларни мактаб давригача қандай тайерлаш, бунда оила ва болалар боғчасининг аҳамияти ҳақида гапирилади.

Тарбия қийин иш ва тарбия шарт-шароитларини яхшилаш ҳар қандай кишининг ҳам муқаддас бурчларидан биридир. Зеро, узини ва теварак-атрофидагиларни маълумотли қилишдан ҳам муҳимроқ иш йўқ.

Журнал Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жура Йўлдошевнинг «Фарзандлар ота-оналарни улуглайди, юксалтиради» номи мақоласи билан бошланган. Унда республи-

Jurnallarning yangi sonida

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

камиз ҳукумати томонидан чиққан таълим-тарбияга оид Қонунлар ва Фармонлар, уларнинг бажарилиши ҳақида сўз боради. Мактабгача ешдаги болалар таълим-тарбиясига қуйилади-ган давлат талаблари нисмалардан иборат бўлмоғи керак? Бу саволга ҳам журнал саҳифасидан жавоб топишнинг мумкин.

Бундан ташқари журналда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган «Ўзбекистон байроғини упиб эдим қасамд» номи адабий мусиқий композиция, «Ўзбекистон - она юрт, Қашқадарё - унинг қутлуғ бир гўшаси» номи Қашқа дарё вилояти халқ таълими бошқармаси мактабгача таълим муассасалари мутахассиси Дилбар Муродова тузган машғулот урин олган.

Жаҳон педагогикаси бизга жуда ибратли тарбия соатларини ургатади. Ўзбеко-

Sport

ШТАНГАНИ Зўрлар Кўтаради

Самарқанд шаҳридаги ихтисослашган Локомотив оғир атлетика саройида Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими қошидаги 5-Болалар-умирлар спорт мактабининг очик биринчилиги учун 1981 ва ундан кичик умирлар уртасида оғир атлетика мусобақаси бўлиб ўтди. Бу мусобақада Бухоро вилояти, Самарқанд тумани ва Самарқанд шаҳридан 100 га яқин еш штангачилар иштирок этишлар.

Мусобақа якунига кўра ўз вази тоифаларида А. Маматқулов, А. Усмонов, Ж. Гафуров, Р. Самдильов, Ф. Узоқов, Н. Сафаров, Д. Исमतов, У. Ҳайдаров, Ш. Худойбердиев, С. Азимовлар гўлиб чиқинди.

Ғолибларга вилоят халқ таълими бошқармаси, шаҳар халқ таълими бўлими ва Самарқанд вилояти оғир атлетика федерацияси томонидан қимматбаҳо эсталик совғалари топширилди.

Шарифа МУРОДЖОН қизи

Sport

ХАНДАЛАР

Ўқитувчи: — «Мен яшайман» феълининг ўтган замондаги шакли қандай бўлади?
Ўқувчи: — Сиз, аллақачон ўлгансиз.

Ўқитувчи: — Одамнинг кўплик шакли нима бўлади?
Ўқувчи: — Одамлар.

Ўқитувчи: — Боланинг кўплиги -чи?
Ўқувчи: — Эгизаклар...

Дадаси: — Ҳўш, ўғлим, сен бугун дарсда ҳеч кимга халақит бермадингми?
Ўғли: — Йўқ, дада, мен бугун дарс пайтлари залда турдим...

Ўқитувчи: — Қани, болалар айтингларчи, қайси ҳайвоннинг тўртта оёғи бор?
Ўқувчилардан бири: — Иккита ғознинг тўртта оёғи бор, — деб жавоб берди.

Бир ўқувчи дўстига деди: — Мен биринчи тарих китобини ўқиш учун ўн соат вақтимни сарфладим.
— Энди «беш»га жавоб берсанг керак?..
— Қуйсанг-чи! Тарих китобини бошимга қўйиб ухлаб қолибман...

Инглиз тилидан Сафарали Ҳожиев таржимаси.

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш тахририят руҳсати билан амалга оширилиш шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: маъсул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифаллади. Навбатчилар: Дилбар ХўҲАЕВА, Норали ОЧИЛОВ

Рўйхатдан ўтин тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150, Г-0106. Тиражи 56.495. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. «Шарк» наприёт матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси 41-уй

Босишга тоширини вақти -20.00. Топширилди- 21.00

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирилиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги, Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САЙДОВ

Тахрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (маъсул котиб), Шўкур ЖОНБОЕВ, Гулҳеҳра ПАРПИЕВА, Нўмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Бош муҳаррир
Ҳалим САЙДОВ

Тахрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (маъсул котиб), Шўкур ЖОНБОЕВ, Гулҳеҳра ПАРПИЕВА, Нўмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Бош муҳаррир
Ҳалим САЙДОВ

Тахрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (маъсул котиб), Шўкур ЖОНБОЕВ, Гулҳеҳра ПАРПИЕВА, Нўмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Бош муҳаррир
Ҳалим САЙДОВ

Тахрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (маъсул котиб), Шўкур ЖОНБОЕВ, Гулҳеҳра ПАРПИЕВА, Нўмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Бош муҳаррир
Ҳалим САЙДОВ

Тахрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (маъсул котиб), Шўкур ЖОНБОЕВ, Гулҳеҳра ПАРПИЕВА, Нўмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ